

БУКА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ДАСТЛАВКИ ЗАФАРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашгингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 188 (7328).

2 октябрь, 1980 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ГАЛАБА РАПОРТИ:

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ — 85.000 ТОННА

Бука районининг пахтакорлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг тавсиялари ва йўл-йўриқларини бажара бориб, меҳнатда муҳим галабага эришдилар — давлатга пахта сотиш лавини муддатидан илгари 1 октябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 65 минг тонна пахта етказиб берилди, бутун пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Район механизаторлари ана шу галабани кўлга киритишда муҳим роль ўйнадилар. Тайёрланган жами пахтанинг 80 минг тоннаси ёки ҳосилнинг 90 проценти машиналар билан терилди.

«Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номи,

Мичурин номи, Ильич номи, Фрунзе номи, Жамбул номи, «Ленинизм» колхозлари лавини анча ошириб бажариб, социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топиришмоқдалар. Бу ҳўжаликларда ҳозиргача ҳар гектар ердан 35—40 центнердан пахта териб олинди.

Пахта тайёрлаш юзасидан беш йиллик лав 30 минг тоннага ошириб адо этилди. Шу давр ичйда ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик қарийб 8 процент ошди.

50—60 центнерлик ҳосил олиш ҳаракати райоinda кенг кулоч ёзди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Саодат Гулаҳмедова, Саид Иброҳимов, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Душабоев ва кўпгина илғорлар ботчилик қилаётган бригадалар ҳозирдаёқ 45—50 центнерлик маррадан ўзиб кетдилар.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Мухаммад Галиев, «Коммунизм» колхозидан Жалғас Балатоев, Саидхад Саймоқов, Тимирязев номи колхоздан Ҳасан Хожиев, Алиқул Тўронов, Мичурин номи колхоздан Кучали Омонов, Саид Жумабоев, Ильич номи колхоздан Матан Раҳматалиев ва бошқа меҳнатқўйдовчилар ипатоволик деҳқонларнинг тажрибасидан моҳирлик билан фойдаланиб, 250—300 тоннадан пахта териб, йигим-теримда юксак кўрсаткичга эришдилар.

Район ҳўжаликлари давлатга дон сотиш йиллик лавини 122 процент, сабзавот сотишнинг 139 процент, полнз маҳсулотлари сотишнинг 108 процент, мева сотишнинг 110 процент, пилла сотишнинг 116 процент, гўшт сотишнинг 138 процент, сўт

сотишнинг 105 процент, тухум сотишнинг 206 процент бажардилар.

Бўқаликлар бундай ажойиб галабага аввало қишлоқ ҳўжалигида техника тараққиётини кенг ривожлантирилганлиги, пахтачиликдаги барча ишларни юксак даражада механизациялаштирилганлиги, алмашлаб экиш, химиялаштириш ва комплекс механизациялаш негизда деҳқончилик маданиятининг улуғсиз оширилганлиги натижасида эришдилар. Бука район пахтакорларининг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати ҳўжаликни зўр уюшқоқлик билан олиб бориш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Район пахтакорлари партия XXVI съездини кутиб олтуриб, бу йил давлатга сотиладиган пахта миқдорини 85 минг тоннага етказишга ёки умумий тайёрлаш ҳажмидан 20 минг тонна кўп пахта сотишга қарор қилдилар.

КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎШИЛГАН ЯНГИ ҲИССА

КРЕМЛДА СССР ВА КУБА РЕСПУБЛИКАСИ КОСМОНАВТЛАРИГА СОВЕТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СССРнинг космонавт учувчиси Ю. В. Романенко билан Куба Республикасининг граждани, тадиқотчи космонавт Арнальдо Тамайо Мендесдан иборат халқаро экипажнинг муваффақиятли тугалланган парвози Совет Иттифоқи ва Куба Республикаси халқлари ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиб, қардошларча ўзаро муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганини намоиш қилди. Арнальдо Тамайо Мендес гарбий ярим шардаги социалистик давлатнинг биринчи намоиядаси бўлиб. Бу космик эксперимент фан ва техника тараққиётига катта ҳисса қўшди, барча қардош социалистик мамлакатларда халқ ҳўжалик вазифаларининг ҳал этилишига кўмаклашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1 октябрь куни Кремлда Ю. В. Романенко билан А. Тамайо Мендесга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди. Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Д. Сербин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. А. Шатавов, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Се-



Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

(ТАСС — «Совет» телефотои).

перо Агирре дель Кристо, бошқа расий кишилар ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Космос қаҳрамонларига совет давлатининг юксак мукофотлари топширилиши муносабати билан ана шу ерга тўпландик. Бугун биз мамлакатимизнинг космонавти, космосда Ватан топширигини иккинчи бор шараф билан бажарган Юрий Романенко билан Куба Республикасининг граждани Арнальдо Тамайо Мендесни табриклаймиз.

Мукофотларни топшириш маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қабул қилган «Интеркосмос» программаси яхши бажарилмоқда. Бир интернационал экипажнинг ўзини иккинчи оломоқда, космик станцияда кўпдан бери яшаб, ишлаб келаётган Попов ва Рюмин ўртоқлар эса меҳмондўст меҳмонларини қайта-қайта маълум қилмоқда.

Биз Озодлик оролининг фарзанди ўртоқ Арнальдо Тамайонинг космосдаги жасорати — бутун Куба халқи учун байрам эканини биламиз ва кубалик дўстлар билан бирга қувонамиз. Аммо бу — кубаликлар учуғина шонли воқеа бўлиб

қолмай, социалистик Кубанинг граждани Лотин Америкасининг космосга парвоз қилган биринчи вакили ҳам бўлди. У қўшилмасин ҳаракатда қатнашувчи мамлакатлардаги юз миллионлаб аҳолининг космосдаги биринчи вакили ҳам бўлди, бу ҳаракатда Куба ақил роль ўйнамоқда. Бу — тарихий аҳамиятга молик фактлардир, ўртоқлар.

СССР ва Куба космонавтларининг биргаликда учини — халқларимиз дўстлигининг янги ёрқин намоишидир, албатта.

Қўш, улар ким ўзи? — деб сўрасиз. Булар Янги ва Ўрта Шарқда империализмга қарши бўлган курашнинг жипслигини ёқтирайдиган кимсалардир. Янги Шарқ ва Ўрта Шарқ нефти устидан ўз контролига ўрнатиб олиш истайдиган Эронни яна ҳарбий базага ва империализмнинг жандармчилиги постига айлантиришни оруз қилаётган кимсалардир. Ўзаро вайронгарчиликлардан, қон тукишдан, бир-бирининг экономикасига нусур етказишдан Ироқ ҳам, Эрон ҳам ҳеч бир манфаат кўрмайдилар. Шу регион халқларининг маърафатларини мутлақо ўйламайдиган учинчи томонига наф қўради. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакики, биз Эрон билан Ироқнинг ўз ўрталаридаги низоли

(Давоми 2-бетда).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

РЕСПУБЛИКА БАЙРОГИ ЯНА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар ва районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил сентябрь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини куриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўмаки билан байроғи Тошкент об-

ласта қолдирилди (область партия комитетининг секретари М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, область қишлоқ

ҳўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Р. Раҳмонов, «Заготхлоппром» область бирлашмасининг бошлиғи Х. К. Қосимов, Сельхозтехника область бирлашмасининг раиси В. Н. Хетаг, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи У. В. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари Б. С. Камолов, область қишлоқ ҳўжалиги ходимлари касабасоюз комитетининг раиси Т. Р. Ражабов). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмининг 82,32 процент, машина терими юзасидан социалистик мажбуриятни 74,76 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 55,5 процент ушшини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўмаки билан байроқлари қуйидагиларга берилди: Жиззах об-

ласти; Тошкент областининг Галаба райони (район партия комитетининг секретари А. Б. Саидхўжаев, район ижроия комитетининг раиси Р. И. Каримов, район ижроия комитети қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш

(Давоми 2-бетда).



ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устуи — районлар, иккинчи устуи — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устуи — мавсум бошдан бир кунда терилган, бешинчи устуи — мавсум бошдан бўён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Бука	5,01	96,91	3,69	103,70
Галаба	4,38	93,02	3,47	93,13
Пискент	4,16	83,33	4,87	89,22
Бекобод	3,85	83,05	3,53	67,44
Оққўрғон	4,05	80,72	4,45	70,53
Чиноз	4,05	78,64	4,26	74,26
Янгийўл	3,65	78,64	2,86	65,95
Коммунист	4,50	69,70	4,31	61,42
Ўрта Чирчиқ	4,00	62,59	3,33	62,57
Область бўйича:	4,15	82,32	3,52	78,58

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида): Бухоро — 68,54; Қашқадарё — 65,00; Сурхондарё — 61,73; Фарғона — 53,02; Жиззах — 51,51; Самарканд — 49,03; Хоразм — 48,02; Сирдарё — 47,54; Андижон — 44,11; Қорақалпоғистон АССР — 43,94; Наманган — 37,70. Республика бўйича — 53,79.

ИЛГОРЛАРИНИ ШАРАҚЛАЙМИЗ

ЎТГАН КҲНИ ОБЛАСТИМИЗДА 17.637 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНИД. УНИНГ 13.947 ТОННАСИ ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ БЎЎКЕРИДАН ТЎҚИЛДИ. 30 СЕНТЯБРДА ОБЛАСТ ДАЛАЛАРИДА 2726 МАШИНА ИШЛАДИ. ҲАР БИР «АНГОРИ НЕМА»НИНГ ИШ УМУМИ 4,9 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. КОММУНИСТИК БУКА ГАЛАБА РАЙОНЛАРИ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРИ ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИНИНГ АПНИҚСА УМУМИ ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАШДИ.

Т. ОХУНОВА — Чиноз районидаги Киров номи колхоз — 348 ТОННА.

У. НИШОНОВ — Галаба районидаги «Победа» колхоз — 234 ТОННА.

И. ХОЛБОВ — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номи совхоз — 225 ТОННА.

(Давоми 2-бетда).

М. УРИНБОВ — Галаба районидаги Свердлов номи колхоз — 220 ТОННА.

Ж. НУРОВ — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха номи колхоз — 203 ТОННА.

Қ. ТОЖИМЕНОВ — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхоз — 200 ТОННА.

М. САЛОҲИДДИНОВ — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йули» колхоз — 190 ТОННА.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ — Бука районидаги Ильич номи колхоз — 181 ТОННА.

М. ҚЎШАЕВ — Пискент районидаги Тельман номи колхоз — 170 ТОННА.

В. ХВАН — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхоз — 168 ТОННА.

ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳўкумати 30 сентябрда Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. С. Редди шаарифа зиефат бердилар.

Совет томонидан зиефатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиуми ва

СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиефатда нутқ сўзлади.

Ҳиндистон дўстона алоқаларини бундан бўён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мўлдасини яна бир наффа тасдиқлаб турибди.

1971 йилги шартномага тўла мувофиқ равишда бу алоқаларнинг кўлами йил сайин кенгаймоқда, тобора кўп қиррали характер касб етмоқда, уруш ҳавфига қарши, Осиёда ва бутун дунёда

тичиликни мустаҳкамлаш учун курашда тобора равишроқ салмоқли омил бўлиб майдонга чиқмоқда.

Халқаро вазият, шу жумладан Осиё қитъасидаги вазият шу кунларда мураккаблашиб қолди. Бу вазият кескинлашувининг сабабларини тушуниш қийин эмас. Бир неча саволни ўртага қўйиш кириб қилади.

Вьетнамга ким ҳужум қилди, унинг тинч шаҳар ва қишлоқларини ким яқсон қилди? Бу агрессияни ким рағбатлантириб турди? Халқ фақат бир нарсани — осойишта янги турмуш қуришни истовчи. Камуцията шу пайтгача ким тинчлик бермапти? Афғонистон ақсизинқилобчиларини кимлар ташкил этди, ким йўлга солиб турибди, Покистонни кимлар ўз қўшнларига қарши гижтжламоқда? Кимнинг авианосецлари ва махсус бўлинмала-

ри Форс кўрғазини ва Қизил денгиз ҳавзасидаги мустақил давлатларга доимо таҳлика солиб турибди. Янги, Ўрта Шарқ ва Африка мамлакатларида ким янги-янги ҳарбий базаларни вужудга келтирмоқда? Бу саволларга қайтариладиган жавоблар ҳозирги дунёда хатарли кескинлик қарсдан чиқаётганини равшан кўрсатади.

Кунги неча жаҳон аҳли Совет Иттифоқига дўст бўлган икки қўшни мамлакат — Эрон билан Ироқ ўртасидаги ҳарбий можаронинг шохли бўлди.

Икки халқни ўзлари учун мураккаб даврда бир-бири билан шунчаки фознали англашилмовчилик тўқнаштириб қўйди, деб ҳисоблаш қийин. Бўқ, бу можаро алангасида кимлардир қўл интиб олишга очтидан-очтиқ уришмоқдалар.

